

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАЛАР АСОСИДА ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДАГИ ХОРИЖИЙ ЁНДАШУВЛАР МОҲИЯТИ.

Ортиқова Зулфия Нурмаҳаматовна

Farg'ona davlat universiteti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7588690>

Annotatsiya: оилавий турмуш тарзига оид урф-одат ва маросимлар негизда ўрганилиши ҳамда масаланинг болалар социализацияси сифатида қиёсий тадқиқ этилиши билан халқ педагогикаси ёки болалар фольклори сифатида ўрганиш, миллий характерни ўрганиш тадқиқотлари контекстида ўрганиш.

Kalit so'zlar: оилавий турмуш тарзи, социализация, ижтимоийлашув, болалик маданияти, этник тарбия, тарбия усули

Оилада болаларнинг миллий қадриятлар ва анъаналар асосида ўзаро муносабатларини тарбиялашнинг хорижий манбалардаги талқини муаммосини ўрганиш педагогика фани учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўз ўрнида таниқли олим И. С. Кон ҳақли равишда кўрсатиб ўтганидек: “Муайян халқнинг ўз болаларини қандай тарбиялаётганини билмай туриб, мазкур халқнинг турмуш тарзи, унинг ижтимоий тарихи хусусиятларини тушуниб бўлмайди”¹.

Хорижий тадқиқотчилар томонидан ўрганлаётган муаммо юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва турли ғоя, қарашлар илгари сурилган. Мазкур тадқиқотларда масалага доир турли назарий-методологик ёндашув-лар қўлланилган.

Биринчи ёндашув – масаланинг оилавий турмуш тарзига оид урф-одат ва маросимлар негизда ўрганилиши.

XIX асрга келиб, Ғарб дунёси ижтимоий фанларида турли халқлар миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилувчи маданий антропология ва социология йўналишлари махсус фанларга айланди. Бу фанлар “бошқа” маданиятга мансуб халқларни ўргана бошлади. Дастлабки тарихий-этногرافик тадқиқотларда мавзу ўрганилаётган халқнинг хулқ-атвор нормалари ва оила хусусиятларини ўрганиш орқали тавсифлаб кетилган холос ва бунда қандайдир мустақил назарий муаммолар қўйилмаган². Бундай ишлар

¹ Кон И. С. Введение // Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. – М.: Наука, 1983. – С. 3.

² Костомаров Н. И. Очерк домашней жизни и нравов великорусского народа в XVI и XVII столетиях. – СПб., 1887. – Умумий бети қани?; Терещенко А. Быт русского народа. Т. 1–2. – СПб., 1848. – Умумий бети қани?; Ивановская Т. Дети в пословицах и поговорках // Вестник воспитания. – 1908. Кн. 2. – бети қани?;

сирасига Н. Н. Миклухо-Маклайнинг Адмираллик оролларида³, Бронислав Малиновскийнинг Тинч океани ғарбий қисмидаги оролларида⁴ олиб борган тадқиқотларини ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, Н. Н. Миклухо-Маклай онанинг эмизикли боласини қандай тебратиб ухлатиши, маҳаллий аҳоли айб иш қилган болаларни қандай тарзда жазолаши ва шу каби маълумотларни беради⁵. Ушбу тадқиқотларда болалик даврига оид қандайдир мустақил назарий муаммолар қўйилмаган. Шунга қарамай, бундай ишлар катта илмий аҳамиятга эга.

Иккинчи ёндашув – масаланинг болалар социализацияси сифатида қиёсий тадқиқ этилиши.

Аввало, “социализация” термини моҳиятини тушуниб олиш, унга ойдинлик киритиш керак бўлади. Мазкур тушунча кўп маънога эга бўлиб, у ҳақда турли муаллифлар томонидан қилинган шарҳ ва изоҳларнинг барчаси ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайди⁶. Умуман олганда, социализация деганда, “муҳитнинг индивидни ижтимоий ҳаётдаги иштирокини таминлайдиган, ўз маданиятини, жамоадаги хулқ-атвор меъёрларини тушунишни, ўзини қарор топтиришни ва турли ижтимоий вазифаларни бажаришни ўргатадиган даражадаги тўла, кенг қамровли (комплекс) таъсири”ни⁷ тушуниш мумкин.

В. М. Каримова масъул муҳаррирлигидаги “Социология” номли китобда, “Социализация” сўзи “ижтимоийлашув” деб таржима қилиниб, “индивид томонидан мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар ва билимлар тизимини ўзлаштириш жараёнидир”⁸, деб талқин қилинади.

Маълумки, тарбияда, аввало, турли хатти-ҳаракатларни йўналтириш воситасида инсонга онгли равишда исталган хислат ва хусусиятларни сингдириш назарда тутилади. Ёки “Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий-маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган тадбирлар йиғиндиси”⁹.

³ Бутинов Н. А. Детство на островах Адмиралтейства // Этнография детства. Традиционные методы воспитания детей у народов Австралии, Океании и Индонезии. – М.: Наука, 1992. – С. 56–59.

⁴ Малиновский Б. Избранное: Аргонавты западной части Тихого океана / Пер. с англ. – М.: РПЭН, 2004. – бети қани?

⁵ Бутинов Н. А. Кўрсатилган асар. – С. 56–59.

⁶ Кон И. С., Ольшанский В. Б. Социализация // Философская энциклопедия. Т.5. – М., 1970. – С. 66–67; Человек и общество. Проблемы социализации индивида. – Вып. IX. – Л., 1971. – С. 260; Андреева Г. М. Социальная психология. – М., 1980. гл. 15. – бети қани?

⁷ Щепанский Я. Элементарные понятия социологии. – М., 1969. – С. 51; <http://pshttp://psyjournals.ru/>

⁸ Социология. (Маърузалар матни. Масъул муҳаррир В. М. Каримова.) – Тошкент, 2000. – Б. 208.

⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. 8-жилд. – Б. 270.

Учинчи ёндашув – халқ педагогикаси ёки болалар фольклори сифатида ўрганиш.

Болалик даври масаласи халқ педагогикаси ёки анъанавий тарбия хусусиятлари сифатида ҳам тадқиқ этилган. Халқ педагогикаси кенгроқ маънода –этнопедагогика деб юритилиб, у – маълум этносга хос тарбия усули мазмунини беради. Ушбу йўналиш хорижда “Antrhropology of education” деб номланиб, анъанавий халқ педагогикаси усуллари болалар ўйинлари, фольклор ва шу кабилар билан қўшиб қиёсий ўрганувчи, этнография, социология ва педагогика ўрталиғидаги оралиқ фан соҳасидир¹⁰.

Мазкур йўналиш собиқ СССРда 1920 йиллардан бошланган, десак хато бўлмайди. Шу даврдан Г. С. Виноградов, О. А. Капица ва бошқа совет фольклоршунослари ва этнографлари бола тарбияси масаласида мустақил тадқиқотлар олиб бордилар, яъни улар бола тарбияси билан боғлиқ урф-одатларнинг фольклорга оид жиҳатлари устида ишладилар¹¹. Хусусан, Г. С. Виноградов “болалар олами”нинг ўзига хос томонларига эътибор қаратди ва уни этнографик фанларнинг мустақил тармоғи сифатида ажратиш ҳамда ўрганиш вазифасини қўйди. Унинг қизиқишлар доирасига бола ҳаётининг турли аспектлари: халқона болалар тақвими, болаларнинг сатирик лирикаси, болаларнинг яширин мулоқот тили, болалар фольклори кабилар кирган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, этнопедагогикани умумий ва бир бутунликда халқ тарбиясининг назарияси ва тарихи сифатида тасвирлаш мумкин. Этнопедагогика ижтимоий нормалар, қадриятлар, тажрибаларни, шахс тарбияланадиган, ўсадиган ўзаро социал алоқадорлик ва ижтимоий таъсир кўрсатиш жараёнини ўрганади; шахснинг тарихий-маданий шаклланишига таъсир кўрсатадиган бутун педагогик салоҳият, яъни диний ривоят, эртаклар, дostonлар, халқ қўшиқлари, топишмоқ ва мақоллар, ўйинлар ва бошқаларда оилавий турмуш ва жамоа тизими анъаналарида, шунингдек, фалсафий-этикага оид, хусусан халқнинг педагогик қарашлари акс этган халқ донишмандлиги, болаларни ўргатиш ва тарбиялашга оид халқ билимларини йиғди ва тизимлаштирилади¹².

Тўртинчи ёндашув –миллий характерни ўрганиш тадқиқотлари контекстида ўрганиш.

¹⁰ Этнография и смежные дисциплины. Этнографические субдисциплины. Школы и направления. Методы. – М.: Наука, 1988. – С. 110.

¹¹ Виноградов Г. С. Детский фольклор и быт. Программа наблюдений. – Иркутск, 1925; Народная педагогика. Отрывки и наброски. – Иркутск, 1928. Бети қани?; Капица О. И. Детский фольклор. – Л., 1928. – Умумий бети қани?

¹² <http://pshttp://psyjournals.ru/psyedu/2005/n1/Radina.shtml>

Халқларнинг бола тарбияси усуллари миллий характерни шаклланиши билан боғлаш ғояси АҚШ маданий антропология мактаби намояндалари томонидан илгари сурилган. Ўша пайтда АҚШда энг машхур бўлган антрополог Ф. Боаснинг ғоялари этнопсихологиянинг алоҳида предмет сифатида пайдо бўлишига туртки бўлди. Унинг бош тезиси турли халқлар ва қабилаларни ўрганишда умумий назария, умумий қоидаларни қўллашга қарши чиқишдан иборат эди. Муаллиф “Биз бутун инсониятнинг маданият тараққиёти қонуниятларини яратишга ҳаракат қилишдан аввал индивидуал маданиятлар тараққиёти жараёнини тушунишимиз лозим”¹³, деб қайд этган.

Ҳар икки йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида катта илмий аҳамиятга эга бўлган ютуқларга эришилганига қарамай, назарий ва методологик жиҳатдан айрим камчиликлар йўқ эмасди. Ушбу ҳолат шу билан ифодаландики, аввалло, “этнопедагогик” тадқиқотларда бир томондан бу тадқиқотларнинг у ёки бу халқнинг педагогик тажрибаларига бағишланганлиги ва фақат тавсифий характерда эканлиги, қиёсий тадқиқотларнинг жуда камлиги бўлса, бошқа томондан мутахассислар кўпинча халқнинг ижтимоий-ахлоқий идеаллари ва норматив хулқ тассавурлари билан унинг амалдаги тарбия тажрибаларини ажрата олмаганлар.

Антрополог, этнолог ва психологлар ҳамкорлигида олиб борилган миллий характерни ўрганиш тадқиқотларида эса бир томондан психологик омилга урғу берилган бўлса, бошқа томондан уларнинг бир қисми инсон характери фақат тарбия натижасида шаклланади деб, бошқа омилларнинг ролини инкор қилади, қолганлари бир ҳил маданият фақат шу маданият мос шахс типларини яратади дейди ва улар ҳам ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирига кўп эътибор қаратмайдилар.

XX асрнинг 80–90-йилларидаги этнографиясида болалик даврини ўрганиш болалар социализацияси номи билан олиб борилган ва бунда этнографлар томонидан дунёнинг турли мамлакатларида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аслида болалар тарбиясидаги анъанавий усуллар тадқиқ этилган. Замонавий жамият шароитида болаларни ўрни масаласи, янги шарт-шароитларда болалар социализацияси масаласига этнологлар томонидан кам эътибор қаратилган.

¹³ Аверкиева Ю. П. Франц Боас (1858–1942) // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. – Вып. 1. – М., 1946. – С. 87.

References:

1. Кон И. С. Введение // Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. – М.: Наука, 1983. – С. 3.
2. Костомаров Н. И. Очерк домашней жизни и нравов великорусского народа в XVI и XVII столетиях. – СПб., 1887. Терещенко А. Быт русского народа. Т. 1–2. – СПб., 1848.
3. Ивановская Т. Дети в пословицах и поговорках // Вестник воспитания. – 1908. Кн.
4. Бутинов Н. А. Детство на островах Адмиралтейства // Этнография детства. Традиционные методы воспитания детей у народов Австралии, Океании и Индонезии. – М.: Наука, 1992. – С. 56–59.
5. Малиновский Б. Избранное: Аргонавты западной части Тихого океана / Пер. с англ. – М.: РПЭН, 2004.
6. Бутинов Н. А. Кўрсатилган асар. – С. 56–59.
7. Кон И. С., Ольшанский В. Б. Социализация // Философская энциклопедия. Т.5. – М., 1970. – С. 66–67; Человек и общество. Проблемы социализация индивида. – Вып. IX. – Л., 1971. – С. 260; Андреева Г. М. Социальная психология. – М., 1980. гл. 15.
8. Щепанский Я. Элементарные понятия социологии. – М., 1969. – С. 51; <http://pshttp://psyjournals.ru/> .
9. Социология.(Маърузалар матни. Масъул муҳаррир В. М.Каримова.) – Тошкент, 2000. – Б. 208.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. 8-жилд .– Б. 270.
11. Этнография и смежные дисциплины. Этнографические субдисциплины. Школы и направления. Методы. – М.: Наука, 1988. – С. 110.
12. Виноградов Г. С. Детский фольклор и быт. Программа наблюдений. – Иркутск, 1925; Народная педагогика. Отрывки и наброски. – Иркутск, 1928. Бети қани?; Капица О. И. Детский фольклор. – Л., 1928. – Умумий бети қани?
13. <http://pshttp://psyjournals.ru/psyedu/2005/n1/Radina.shtml>
14. Аверкиева Ю. П. Франц Боас (1858–1942) // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. – Вып. 1. – М., 1946. – С. 87.